

Ўзбекистон Республикаси
Давлат патент идораси



РАСМИЙ АХБОРОТНОМА

1993 йилдан бошлаб нашр этилади

- Ихтиролар
- Фойдали моделлар
- Саноат намуналари
- Товар белгилари
- Товар келиб чиққан жой номлари
- ЭХМ учун дастурлар
- Маълумотлар базалари
- Интеграл микросхемалар топологиялари
- Селекция ютуқлари

(43) Ушбу ахборотномага киритилган ихтироларга ва селекция ютуқларига талабномалар тўғрисидаги маълумотлар **2010 йил 30 июлдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(45) Ушбу ахборотномага киритилган саноат намуналарига муҳофаза ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар **2010 йил 30 июлдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(450) Ушбу ахборотномага киритилган товар белгиларига гувоҳномалар тўғрисидаги маълумотлар **2010 йил 30 июлдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(46) Ушбу ахборотномага киритилган ихтироларга, фойдали моделларга, селекция ютуқларига, ЭХМ учун дастурларга, маълумотлар базаларига муҳофаза ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар **2010 йил 30 июлдан** чоп этилган деб ҳисобланади

Тошкент
2010 йил

7(111)

(19) UZ

Государственное патентное ведомство
Республики Узбекистан



ОФИЦИАЛЬНЫЙ БЮЛЛЕТЕНЬ

Издается с 1993 года

- Изобретения
- Полезные модели
- Промышленные образцы
- Товарные знаки
- Наименования мест происхождения товаров
- Программы для ЭВМ
- Базы данных
- Топологии интегральных микросхем
- Селекционные достижения

(43) Сведения о заявках на изобретения и селекционные достижения, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **30 июля 2010 года**

(45) Сведения об охранных документах на промышленные образцы, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **30 июля 2010 года**

(450) Сведения о свидетельствах на товарные знаки, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **30 июля 2010 года**

(46) Сведения об охранных документах на изобретения, полезные модели, селекционные достижения, программы для ЭВМ, базы данных, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **30 июля 2010 года**

Ташкент
2010 год

7(111)

МУНДАРИЖА

I	ИХТИРОЛАР	
	Ихтиролар ва фойдали моделларга оид библиография маълумотларини айнанлаштириш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.9 стандарти)	5
	Ихтироларга қабул қилинган талабномалар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	1.1. BZ1A Ихтироларга талабномалар	
	A. Инсон ҳаётини эҳтиёжларини қондириш	6
	B. Турли технологик жараёнлар	10
	C. Кимё ва металлургия	13
	E. Қурилиш; тоғ ишлари	18
	F. Механика; ёритиш; иситиш; двигателлар ва насослар; портлатиш ишлари	18
	G. Физика	21
	1.5. BZ1A Ихтироларга талабномаларнинг тизимли кўрсаткичлари	
	1.1-бўлим учун ихтироларга талабномаларнинг тизимли кўрсаткичи	23
	Ихтиролар Давлат реестри рўйхатидан ўтказилган ихтиролар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	1.2. FG4A Ихтироларга патентлар	
	A. Инсон ҳаётини эҳтиёжларини қондириш	24
	B. Турли технологик жараёнлар	26
	C. Кимё ва металлургия	26
	D. Тўқимачилик ва коғоз	36
	E. Қурилиш; тоғ ишлари	36
	G. Физика	37
	H. Электр	38
	1.5. FG4A 1.2-бўлим учун ихтироларга патент ва талабномаларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари	39
	1.2-бўлим учун ихтиролар муаллифларининг ном кўрсаткичи	40
II	ФОЙДАЛИ МОДЕЛЛАР	
	Фойдали моделлар Давлат реестри рўйхатидан ўтказилган фойдали моделлар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	2.1. FG4K Фойдали моделларга патентлар	
	A. Инсон ҳаётини эҳтиёжларини қондириш	42
	B. Турли технологик жараёнлар	44
	D. Тўқимачилик ва коғоз	45
	2.2. FG4K Фойдали моделларга патентларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари	46
	Фойдали моделлар муаллифларининг ном кўрсаткичи	46
III	САНОАТ НАМУНАЛАРИ	
	Саноат намуналарига оид библиография маълумотларини айнанлаштириш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.80 стандарти)	48
	Саноат намуналари Давлат реестри рўйхатидан ўтказилган саноат намуналари ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	3.1. FG4L Саноат намуналарига патентлар	49
	3.2. FG4L Саноат намуналарига патент ва талабномаларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари	54
IV	ТОВАР БЕЛГИЛАРИ	
	Товар белгиларига оид библиография маълумотларини айнанлаштириш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.60 стандарти)	55
	4.1. FG4W Товар белгилари Давлат реестри рўйхатидан ўтказилган товар белгилари ҳақида маълумотларни нашр қилиш	56
	4.2. FG4W Товар белгиларига гувоҳномалар ва талабномалар бўйича тизимли ва рақамли кўрсаткичлар	79
VI	ЭҲМ УЧУН ДАСТУРЛАР	
	ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига оид библиография маълумотларини айнанлаштириш учун кодлар	82
	6.1. ЭҲМ учун дастурлар Давлат реестри рўйхатидан ўтказилган ЭҲМ учун дастурлар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	83
	6.2. ЭҲМ дастурларига талабномаларнинг рақамли кўрсаткичи	89
VII	МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИ	
	7.1. Маълумотлар базалари Давлат реестри рўйхатидан ўтказилган маълумотлар базалари ҳақида маълумотларни нашр қилиш	90
	7.2. Маълумотлар базаларига талабномаларнинг рақамли кўрсаткичи	91
X	ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИГА ҲУҚУҚНИ ТОПШИРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР	
	10.1. QB4L/4W Лицензия шартномалари	92
	10.2. PC4W Ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш шартномалари	93
XII	ХАБАРЛАР	
	MB4W Товар белгисига берилган гувоҳноманинг амал қилишини Апелляция кенгаши қарорига биноан муддатидан илгари тўхтатиш	95
	MB4W Товар белгисига берилган гувоҳноманинг амал қилишини Олий ҳўжалик суди кассация инстанциясининг қарорига биноан муддатидан илгари тўхтатиш	95
	ND4A Ўзбекистон Республикасининг ихтирога берилган патентининг амал қилиш муддатини тиклаш ва узайтириш	95
	ND4K Ўзбекистон Республикасининг фойдали моделга берилган патентининг амал қилиш муддатини узайтириш	96
	ND4L Ўзбекистон Республикасининг саноат намунасига берилган патентининг амал қилиш муддатини узайтириш	96
	ND4W Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳномаларининг амал қилиш муддатини узайтириш	96
	PD4A Ўзбекистон Республикасининг ихтирога берилган патент эгасининг номини ўзгартириш	97
	PD4W Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳнома эгасининг номини ўзгартириш	98
	TE4A Ўзбекистон Республикасининг ихтирога берилган патент эгасининг манзилгоҳини ўзгартириш	98
	TE4W Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳнома эгасининг манзилгоҳини ўзгартириш	99
	TG4W Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳномаларидаги товарлар ва хизматлар рўйхатига ўзгартириш киритиш	99
XIV	РЎЙХАТГА ОЛИНГАН ТОВАР БЕЛГИЛАРИ РАНГЛИ ТАСВИРЛАРИНИНГ ИФОДАСИ	101

СОДЕРЖАНИЕ

I	ИЗОБРЕТЕНИЯ	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к изобретениям и полезным моделям (Стандарт ВОИС ST.9)	5
	Публикация сведений о принятых заявках на изобретения	
	1.1. VZ1A Заявки на изобретения	
	A. Удовлетворение жизненных потребностей человека	6
	B. Различные технологические процессы	10
	C. Химия и металлургия	13
	E. Строительство; горное дело	18
	F. Механика; освещение; отопление; двигатели и насосы; взрывные работы	18
	G. Физика	21
	1.5. VZ1A Систематический указатель заявок на изобретения	
	Систематический указатель заявок на изобретения к подразделу 1.1	23
	Публикация сведений об изобретениях, зарегистрированных в Государственном реестре изобретений	
	1.2. FG4A Патенты на изобретения	
	A. Удовлетворение жизненных потребностей человека	24
	B. Различные технологические процессы	26
	C. Химия и металлургия	26
	D. Текстиль и бумага	36
	E. Строительство; горное дело	36
	G. Физика	37
	H. Электричество	38
	1.5. FG4A Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на изобретения к подразделу 1.2	39
	Именной указатель авторов изобретений к подразделу 1.2	40
II	ПОЛЕЗНЫЕ МОДЕЛИ	
	Публикация сведений о полезных моделях, зарегистрированных в Государственном реестре полезных моделей	
	2.1. FG4K Патенты на полезные модели	
	A. Удовлетворение жизненных потребностей человека	42
	B. Различные технологические процессы	44
	D. Текстиль и бумага	45
	2.2. FG4K Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на полезные модели	46
	Именной указатель авторов полезных моделей	46
III	ПРОМЫШЛЕННЫЕ ОБРАЗЦЫ	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к промышленным образцам (Стандарт ВОИС ST.80)	48
	Публикация сведений о промышленных образцах, зарегистрированных в Государственном реестре промышленных образцов	
	3.1. FG4L Патенты на промышленные образцы	49
	3.2. FG4L Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на промышленные образцы	54
IV	ТОВАРНЫЕ ЗНАКИ	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к товарным знакам (Стандарт ВОИС ST.60)	55
	4.1. FG4W Публикация сведений о товарных знаках, зарегистрированных в Государственном реестре товарных знаков	56
	4.2. FG4W Систематический и нумерационный указатели свидетельств и заявок на товарные знаки	79
VI	ПРОГРАММЫ ДЛЯ ЭВМ	
	Коды для идентификации библиографических данных, относящихся к программам для ЭВМ и базам данных	82
	6.1. Публикация сведений о программах для ЭВМ, зарегистрированных в Государственном реестре программ для ЭВМ	83
	6.2. Нумерационный указатель заявок на программы для ЭВМ	89
VII	БАЗЫ ДАННЫХ	
	7.1. Публикация сведений о базах данных, зарегистрированных в Государственном реестре базы данных	90
	7.2. Нумерационный указатель заявок на базы данных	91
X	ДОГОВОРЫ О ПЕРЕДАЧЕ ПРАВ НА ОБЪЕКТЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ	
	10.1. QB4L/4W Лицензионные договоры	92
	10.2. PC4W Договоры о передаче прав	93
XII	ИЗВЕЩЕНИЯ	
	MB4W Досрочное прекращение действия свидетельства на товарный знак на основании решения Апелляционного совета	95
	MB4W Досрочное прекращение действия свидетельства на товарный знак на основании постановления Кассационной инстанции Высшего хозяйственного суда	95
	ND4A Восстановление и продление срока действия патента Республики Узбекистан на изобретение	95
	ND4K Продление срока действия патента Республики Узбекистан на полезную модель	96
	ND4L Продление срока действия патента Республики Узбекистан на промышленный образец	96
	ND4W Продление срока действия свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак	96
	PD4A Изменение наименования обладателя патента Республики Узбекистан на изобретение	97
	PD4W Изменение наименования владельца свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак	98
	TE4A Изменение адреса обладателя патента Республики Узбекистан на изобретение	98
	TE4W Изменение адреса владельца свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак	99
	TG4W Внесение изменений в перечень товаров и услуг в свидетельствах Республики Узбекистан на товарные знаки	99
XIV	ВОСПРОИЗВЕДЕНИЕ ЦВЕТНЫХ ИЗОБРАЖЕНИЙ ЗАРЕГИСТРИРОВАННЫХ ТОВАРНЫХ ЗНАКОВ	101

**ИХТИРОЛАР ВА ФОЙДАЛИ МОДЕЛЛАРГА ОИД БИБЛИОГРАФИЯ
МАЪЛУМОТЛАРИНИ АЙНАНЛАШТИРИШ УЧУН ХАЛҚАРО КОДЛАР
(БИМТ ST.9 стандарти)**

**МЕЖДУНАРОДНЫЕ КОДЫ ДЛЯ ИДЕНТИФИКАЦИИ
БИБЛИОГРАФИЧЕСКИХ ДАННЫХ, ОТНОСЯЩИХСЯ
К ИЗОБРЕТЕНИЯМ И ПОЛЕЗНЫМ МОДЕЛЯМ
(Стандарт ВОИС ST.9)**

- | | |
|--|---|
| (11) - патент рақами | (11) - номер патента |
| (13) - ҳужжат турининг коди | (13) - код вида документа |
| (21) - талабномани рўйхатдан ўтказиш рақами | (21) - регистрационный номер заявки |
| (22) - талабномани топшириш санаси | (22) - дата подачи заявки |
| (23) - аввал берилган талабномага қўшимча материалларнинг келиш санасини киритган ҳолда бошқа сана (саналар) | (23) - прочая(ие) дата(ы), включая дату поступления дополнительных материалов к более ранней заявке |
| (31) - устуворлик талабномасининг рақами | (31) - номер приоритетной заявки |
| (32) - устуворлик талабномасининг топширилиш санаси | (32) - дата подачи приоритетной заявки |
| (33) - устуворлик мамлакатининг коди | (33) - код страны приоритета |
| (46) - муҳофаза ҳужжатининг чоп этилиш санаси | (46) - дата публикации охранного документа |
| (51) - Халқаро патент классификациянинг (ХПК) индекси(лари) | (51) - индекс(ы) Международной патентной классификации (МПК) |
| (54) - ихтиро номи | (54) - название изобретения |
| (57) - ихтиро ёки фойдали моделнинг реферати, формуласи | (57) - реферат, формула изобретения или полезной модели |
| (60) - бошқа ҳуқуқий ёки расмийлаштириш билан боғлиқ миллий ёки собиқ миллий патент ҳужжатларига ҳавола қилиниш | (60) - ссылки на другие юридически или процедурно связанные отечественные или бывшие отечественные патентные документы |
| (63) - ушбу ҳужжат давоми ҳисобланган, илгарироқ берилган талабноманинг рақами ва санаси | (63) - номер и дата подачи более ранней заявки, по отношению к которой настоящий документ является продолжением |
| (65) - ушбу талабномага тегишли илгари нашр қилинган патент ҳужжатларининг рақами | (65) - номер ранее опубликованного патентного документа, касающегося данной заявки |
| (71) - талабнома берувчининг номи, мамлакат коди | (71) - имя заявителя, код страны |
| (72) - муаллифнинг номи, мамлакат коди | (72) - имя автора, код страны |
| (73) - патентга эгалик қилувчининг номи | (73) - имя патентообладателя |
| (85) - РСТнинг 23(1) ёки 40(1) - моддасига мувофиқ халқаро талабноманинг миллий босқичга ўтиш санаси | (85) - дата перехода международной заявки на национальную фазу в соответствии со ст.23(1) или 40(1) РСТ |
| (86) - РСТ халқаро талабномага берилган маълумотлар, яъни талабнома топширилган сана, талабноманинг рўйхатдан ўтказилган рақами, нашр қилинган талабноманинг дастлабки топширилгандаги тили- ихтиёрий равишда | (86) - заявочные данные международной заявки РСТ, т.е. дата подачи заявки, регистрационный номер заявки и факультативно язык, на котором была первоначально подана опубликованная заявка |
| (87) - РСТ халқаро талабномасининг нашр қилинишга оид маълумотлар, яъни талабноманинг нашр қилинган санаси, нашр рақами ва ихтиёрий равишда талабнома нашр қилинган тил | (87) - данные относительно публикации международной заявки РСТ, т.е. дата публикации, номер публикации и факультативно язык публикации заявки |

І. ИХТИРОЛАР ИЗОБРЕТЕНИЯ

Ихтироларга қабул қилинган талабномалар ҳақида маълумотларни нашр қилиш

Публикация сведений о принятых заявках на изобретения

1.1. BZ1A

ИХТИРОЛАРГА ТАЛАБНОМАЛАР ЗАЯВКИ НА ИЗОБРЕТЕНИЯ

А бўлими
ИНСОН ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ
ҚОНДИРИШ

Раздел А
УДОВЛЕТВОРЕНИЕ ЖИЗНЕННЫХ
ПОТРЕБНОСТЕЙ ЧЕЛОВЕКА

А 01

(21) IAP 2009 0023 (13) В
(51) 8 А 01 В 79/02, А 01 В 13/02 (22) 26.01.2009
(71)(72) Шукуруллаев Хамид, UZ
(54) Чопиқ қилинадиган экинларни парвар
ишлаш усули
Способ возделывания пропашных культур

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* кишлоқ хўжалиги, ўсимликшунослик, қатор ораларининг кенглиги 60 см бўлган чопиқ қилинадиган экинлар, масалан, ғўзага ишлов беришда. *Вазифаси:* тупрок зичлигини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ёқилғи-мойлаш материалларини тежаш. *Ихтиро моҳияти:* ғўза қаторлари культиватордаги ишлов берувчи органлар сонига қолдиксиз бўлинадиган тарзда шакллантирилади, бунда трактор ён ғилдирагининг биринчи бўйлама ўтишидан кейин экиш агрегатида ҳам, культиватор агрегатида ҳам орқага юриш битта қатор оралаб амалга оширилади.

Использование: сельское хозяйство, растениеводство, при возделывании пропашных культур, например хлопчатника, с шириной междурядий в 60 см. *Задача:* уменьшение плотности почвы, повышение производительности труда и экономия горюче-смазочных материалов (ГСМ). *Сущность изобретения:* формирование рядков хлопчатника осуществляют кратным числом обрабаты-

вающих органов на культиваторе, при этом после первого продольного прохода бокового колеса трактора как в агрегате с сеялкой, так и в агрегате с культиватором обратный ход осуществляют через одно междурядье.

(13) В
(21) IAP 2009 0004 (22) 09.01.2009
(51) 8 А 01 С 7/00
(71) Тошкент ирригации ва мелиорация институти, UZ
Ташкентский институт ирригации и мелиорации, UZ
(72) Худойбердиев Толибжон Солиевич, Игамбердиев Аскар Кимсанбаевич, UZ
(54) Ғўза қатор ораларига донли экинларни экиш усули
Способ посева зерновых культур в междурядья хлопчатника

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* кишлоқ хўжалиги, дон экинларини ғўза қатор ораларига экиш усули. *Вазифаси:* экиш учун эгат текислигидан максимал даражада фойдаланиш, берилган уруғ миқдорини майдон бирлигига ва эгат профили бўйича оптимал жойлаштириш йўли билан экиш сифатини ошириш, уруғларни экилаётган майдон бўйлаб бир текисда тақсимлаш ва маълум чуқурликка жойлаштириш, уруғ униб чиқиши учун энг яхши шароитларни таъминлаб бериш, экиш агрегатининг бир бор ўтишида эгат конфигурацияси ва рельефидан қатъи назар ғўза қатор ораларининг бутун эни бўйлаб оптимал зичликка эга бўлиш. *Ихтиро моҳияти:* қаторлар орасидаги масофа эгат туби бўйлаб 12 см, эгатнинг ёнбош юзалари бўйлаб 10 см дан бўлган саккизта эгат олинади ва ҳосил бўлган эгатларга перпендикуляр равишда бир хил чуқурликда дон экинларининг уруғлари экилади. Дон экинлари уруғларини сифатли жойлаштириш учун энлама кесим

юзаси бўйлаб перпендикуляр ўтиш эса тупрокни эгатнинг ўнг қисми бўйлаб ўнг томонга, чап қисми бўйлаб чап томонга силжитиб амалга оширилади. Дон экинлари уруғларини мана шундай экиш схемаси эгат текислигидан максимал даражада фойдаланиш, берилган уруғ миқдорини майдон бирлигига ва эгат профили бўйича оптимал жойлаштириш йўли билан экиш сифатини ошириш, уруғларни экилаётган майдон бўйлаб бир текисда тақсимлаш, маълум чуқурликка жойлаштириш, уруғ униб чиқиши учун энг яхши шароитларни таъминлаб бериш, экиш агрегатининг бир бор ўтишида эгат конфигурацияси ва рельефидан қатъи назар ғўза қатор ораларининг бутун эни бўйлаб оптимал зичликка эга бўлишни таъминлайди.

Использование: сельское хозяйство, способ посева зерновых в междурядья хлопчатника. **Задача:** максимальное использование плоскости борозды для посева, повышение качества посева путем оптимального размещения заданного количества семян на единицу площади по профилю борозды, равномерное распределение их по засеваемой площади и заделка на определенную глубину, обеспечение наилучших условий прорастания семян, получение оптимальной густоты по всей ширине междурядья хлопчатника независимо от конфигурации и рельефа борозды за один проход посевного агрегата. **Сущность изобретения:** производят восемь нарезаний и посев семян зерновых культур по глубине на одинаковую величину перпендикулярно направлению образующих борозды с расстоянием между рядами по дну борозды 12 см, по боковым поверхностям борозды по 10 см. Для качественной заделки семян зерновых культур перпендикулярное нарезание по плоскости поперечного сечения осуществляется со смещением почвы по правой части борозды в правую сторону, левой части борозды в левую. Такая схема посева семян зерновых культур обеспечивает максимальное использование плоскости борозды, повышение качества путем оптимального размещения заданного количества семян на единицу площади по профилю борозды, равномерное распределение их по засеваемой площади, заделку на определенную глубину, наилучшие условия прорастания семян и получение оптимальной густоты по всей ширине междурядья хлопчатника независимо от конфигурации и рельефа борозды за один проход посевного агрегата.

(13) В

(22) 22.01.2009

(21) IAP 2009 0021

(51) 8 A 01 G 25/00

(71) Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институту, UZ

Узбекский научно-исследовательский институт хлопководства, UZ

(72) Безбородов Герман Александрович, Безбородов Александр Германович, Безбородов Юрий Германович, Камиллов Бахтиёр Султанович, Эсанбеков Мейржан Юсупбекович, UZ

(54) Қатор узунлиги бўйлаб тупрокни бир хил намлантириш усули

Способ равномерного увлажнения почвы по длине борозд

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** қишлоқ хўжалиги, суғориладиган деҳқончилик. **Вазифаси:** эгат узунлиги бўйлаб тупрокнинг бир хилда намланишини таъминлайдиган янада самаралироқ усулни ишлаб чиқиш, суғорадиган сувнинг юзаки оқиб кетиши, тупрокнинг ювилиши ва озуқа моддаларининг чиқариб юборилишини камайтириш, ҳосилдорликни ошириш, энергия сарфини қисқартириш. **Ихтиро моҳияти:** 0,10-0,15 лб гача (лб - эгатлар узунлиги) чўзилган эгатларнинг пастки қисмида 0,4-0,5 т/га ҳисобидан кузги буғдой पोхоли ётқизилади. Суғориш пайтида эгатларнинг мульчаланган қисмида сув оқимининг ҳаракати кескин секинлашиб, намланган параметр эни ва мос равишда сув инфильтрацияси юзаси ортади. Суғориш техникаси элементларининг ва эгатга кетадиган сув сарфининг рационал равишда танланиши туфайли илдиз жойлашган тупроқ қатламининг бир текисда намланиши таъминланади, бунда бир текислик коэффициенти 0-90-0,92 ни ва юзаки сув ташлаш 2-3 % ни ташкил этади.

Использование: сельское хозяйство, орошаемое земледелие. **Задача:** разработка более эффективного способа, обеспечивающего равномерное увлажнение почвы по длине борозд, сокращение поверхностного сброса оросительной воды, смыва почвы и выноса питательных веществ, повышение урожайности, снижение энергозатрат. **Сущность изобретения:** в нижней части борозд протяженностью 0,10-0,15 лб (лб - длина борозд) укладывается солома озимой пшеницы из расчета 0,4-0,5 т/га. При поливе движение потока воды в мульчированной части борозд резко замедляется, увеличивая ширину смоченного периметра и соответственно поверхность инфильтрации воды. При рациональном подборе элементов техники полива и расхода воды в борозду обеспечивается

равномерное увлажнение корнеобитаемого слоя почвы по длине борозд с коэффициентом равномерности 0-90-0,92 и поверхностным сбросом 2-3 %.

A 61

(13) В

(21) IAP 2009 0194

(22) 22.06.2009

(51) 8 А 61 В 10/00

(71) Убайдуллаев Сагдулла Абдуллаевич, UZ

(72) Убайдуллаев Сагдулла Абдуллаевич, Залъиева Марьям Валиевна, Макшаева Элеонора Тенгизовна, UZ

(54) Туб ўзбекларда атопик бронхиал астмани башоратлаш усули

Способ прогнозирования атопической бронхиальной астмы у коренных узбеков

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* иммунология, аллергология, поллиноз билан оғриган туб ўзбекларда атопик бронхиал астманинг ривожланишини башоратлаш учун. *Вазифаси:* бронхиал астманинг ривожланишини башоратлаш аниқлигини ошириш. *Ихтиро моҳияти:* HLA II синфни генотипланади, HLA-DRB1*03 аллеллари аниқланади ва туб ўзбекларда поллиноз мавжудлиги аниқланса, атопик бронхиал астманинг ривожланиш хавфи башоратланади.

Использование: иммунология, аллергология, для прогнозирования развития атопической бронхиальной астмы у коренных узбеков с поллинозом. *Задача:* повышение точности прогнозирования развития бронхиальной астмы. *Сущность изобретения:* генотипирование HLA II класса, выявление аллелей HLA-DRB1*03 и при наличии поллиноза у коренных узбеков прогнозируется риск развития атопической бронхиальной астмы.

(13) В

(21) IAP 2009 0003

(22) 07.01.2009

(51) 8 А 61 В 17/00

(71)(72) Хаджибаев Абдухаким Муминович, Акилов Хабибулла Атауллаевич, Ходжимухамедова Нигора Абдукамоловна, Хаджибаев Фарход Абдухакимович, UZ

(54) Ўт йўллари анастомозини шакллантириш усули

Способ наложения желчных анастомозов

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* тиббиёт, жаррохлик. *Вазифаси:* жароҳатланиш ва операциядан кейинги асоратларни соддалаштириш, камайитириш. *Ихтиро моҳияти:* ўт йўллари анастомозини шакллантириш усули анастомозни шакллантириш, чок қўйиш ва металл каркасни ўрнатишдан иборат бўлиб, бунда каркас халқа кўринишига эга бўлиб, билиар-ичак соҳасига ташқаридан ўрнатилади ва тугунли чок билан маҳкамланади.

Использование: медицина, хирургия. *Задача:* упрощение, снижение травматичности и послеоперационных осложнений. *Сущность изобретения:* способ наложения желчных анастомозов включает формирование анастомоза, наложение швов и установление металлического каркаса, причем каркас устанавливают в виде кольца в область билиарно-кишечного анастомоза снаружи, который фиксируют узловыми швами.

(13) В

(21) IAP 2009 0013

(22) 15.01.2009

(51) 8 А 61 В 17/66

(71) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти, UZ

Научно-исследовательский институт травматологии и ортопедии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, UZ

(72) Ходжаев Рахмонберды Рахимович, Сайдиахматхонов Сайдиазизхон Сайдинуьмонхон ўғли, Каримов Маматмурод Умуркулович, UZ

(54) Болаларда узун суяклар синишларини даволовчи спица-стерженли аппарат
Спице-стержевой аппарат для лечения переломов длинных костей у детей

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* тиббиёт техникаси, травматологияда болаларда узун якка ва жуфт суяклар синишларини даволашда. *Вазифаси:* болаларда узун суяклар синишларини даволаш учун спицаларнинг алоҳида ҳар бир жуфти билан барча йўналишда иш олиб бориш имконини берадиган спица-стерженли аппаратни яратиш. *Ихтиро моҳияти:* бир жуфт спица ўзларининг уч координатда мустақил силжий олиш имкониятига эга бўлган алоҳида спица тутқичларида ўрнатилади. Спица тутқичлар турли эгилиш бурчаклари остида ва спицалар учун ҳар хил диаметрдаги тешиклар билан тайёрланади. Эгилиш бурчаги ва диаметри бўйича спица тутқичлар турлари шикастланган ернинг рентген тасвирининг аввалдан амалга оширилган таҳлили натижасида

аниқланади. Аппарат иккита перфорацияланган ярим ҳалқалар билан таъминланган бўлиб, улар ортопедик столнинг монтаж мосламасида уч координатли тизимни аввалдан созилаб олишда ва икки томондан ўтадиган кўшимча спицалар ва қисқичлар ёрдамида шикастланган кўл-оёқда бутун аппаратни фиксация қилиш зарурати туғилганда шпилькалар тизимини маҳкамлаш имконини беради.

Использование: медицинская техника, в травматологии при лечении переломов длинных одиночных и парных костей у детей. **Задача:** создание спице-стержневого аппарата для лечения переломов длинных костей у детей, позволяющего манипулировать каждой парой спиц в отдельности во всех направлениях. **Сущность изобретения:** пара спиц устанавливается на своих отдельных спицедержателях, имеющих возможность независимых перемещений в трех координатах. Спицедержатели изготавливаются с различными углами наклона и разными диаметрами отверстий для спиц. Тип спицедержателей по углам наклона и диаметрам определяется при предварительном анализе рентгеновского снимка поврежденного места. Аппарат снабжен двумя перфорированными полукольцами, позволяющими зафиксировать систему шпилек при предварительной настройке трехкоординатной системы на монтажном приспособлении ортопедического стола и при необходимости провести фиксацию всего аппарата на поврежденной конечности с помощью дополнительных сквозных спиц и зажимов.

(13) В

(21) IAP 2009 0020

(22) 22.01.2009

(51) 8 A 61 K 9/20, 8 A 61 K 31/405, 8 A 61 P 19/00

(71) САНОФИ-АВЕНТИС, FR

САНОФИ УИНТРОП ЭНДЮСТРИ, FR

САНОФИ-СИНТЕЛЯБО (ИНДИЯ) ЛТД, IN

(72) КХУЛЛАР, Правин; ШИНГТЕ, Мансинг; ПАТЕЛ, Ширишбхай; А, Сусиндхарнатх; РАДЖУ, Кришна; РЕДДИ, Ванга, FR

(54) Таркибида яллиғланишга қарши ностероидли дори воситаси ва колхикозид ҳосиласи бўлган фаол ингредиентларнинг янги комбинацияси

Новая комбинация активных ингредиентов, содержащая нестероидное противовоспалительное лекарственное средство и производное колхикозида

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт. **Вазифаси:** таркибида кетопрофен ва тиоколхикозид бўлган фармацевтик композиция кўринишидаги аралаш турғун маҳсулотни тақдим этиш. **Ихтиро моҳияти:** фармацевтик композиция таркибида кетопрофен ва тиоколхикозид бўлиб, улар эркин ҳолатда ёки тузлар шаклида ва композицияда аралаштирилган пайтда улар орасида бевосита контакт бўлмаган ҳолда намоён бўлади. Ушбу ихтиро кўшимча равишда аралашмалари камайтирилган ва бошқариладиган аралаш маҳсулотни, ушбу маҳсулотдан фойдаланиб, даволаш усулини тақдим этади.

Использование: медицина. **Задача:** предоставление стабильного комбинированного продукта в виде фармацевтической композиции, содержащей кетопрофен и тиоколхикозид. **Сущность изобретения:** фармацевтическая композиция содержит кетопрофен и тиоколхикозид, представленные в свободном состоянии или в форме солей и при отсутствии непосредственного контакта между ними при смешивании в композиции. Дополнительно настоящее изобретение предоставляет комбинированный продукт с уменьшенными и регулируемым примесями, способ лечения с использованием указанного продукта.

(13) В

(21) IAP 2009 0025

(22) 15.06.2007

(51) 8 A 61 K 31/662, A 61 K 31/195, A 61 K 33/00, A 61 K 9/08, A 61 P 25/28

(31)(32)(33) 2006124117, 05.07.2006, RU

(71) РАСНЕЦОВ ЛЕВ ДАВИДОВИЧ, RU

(72) РАСНЕЦОВ Лев Давидович; ШВАРЦМАН Яков Юделевич; ЯШНОВА Ольга Константиновна; МЕЛЬНИКОВА Нина Борисовна; ПЕТРЯКОВА Ольга Владимировна; ГУЛЯЕВ Иван Валерьевич, RU

(85) 27.01.2009

(86) PCT/RU 2007/000326, 15.06.2007

(87) WO 2008/004908

(54) Ноотроп фаолликка эга бўлган доривор восита

Лекарственное средство, обладающее ноотропной активностью

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, хусусан неврология ва психиатрияди, марказий нерв тизимининг физиологик ва функционал фаоллигини, бош миянинг интеллектуал-мнестик функциясини нормалаштирувчи восита сифатида. **Вазифаси:** марказий нерв тизимининг физиологик ва

функционал фаоллигини, бош миянинг интеллектуал-мнестик функциясини нормаллаштириш учун димефосфон фаол моддаси асосида сув эритмалари шаклидаги самарали дори воситалари гуруҳини яратиш. **Ихтиро моҳияти:** сув эритмаси кўринишидаги дори воситаси димефосфон фаол моддаси ва сувдан таркиб топади, кўшимча равишда лимон кислотаси ва литий карбонатига эга бўлиб, компонентлар нисбати қуйидагича, мас. %: димефосфон - 15,0-30,0; литий карбонати - 0,5-5,0; лимон кислотаси - 3,0-4,0; 100 гача деионлаштирилган сув. Қиём шаклидаги дори воситасининг таркиби қуйидагича, мас. %: димефосфон - 3,0-5,0; литий карбонати - 1,0-1,2; лимон кислотаси - 4,0-5,0; 64%ли шакар қиёми - 89,0-92,0. Дори воситалари кенг диапазонли концентрацияда намоён бўладиган кўпроқ рН физиологик қийматига эга, эритмалари суюлтиришга турғунлиги билан ажралиб туради, ёқимли таъга эга, бу эса уларнинг болалар амалиётида қўлланишини осонлаштиради.

Использование: медицина, в частности неврология и психиатрия, в качестве средства, нормализующего физиологическую и функциональную активность центральной нервной системы (ЦНС), интеллектуально-мнестические функции головного мозга. **Задача:** создание группы эффективных лекарственных средств в форме водных растворов и сиропов для нормализации физиологической и функциональной активности центральной нервной системы (ЦНС), интеллектуально-мнестических функций головного мозга на основе активного вещества димефосфона. **Сущность изобретения:** лекарственное средство в форме водного раствора включает активное вещество димефосфон и воду, дополнительно содержит лимонную кислоту и карбонат лития при следующем соотношении компонентов, мас. %: димефосфон - 15.0-30.0; карбонат лития - 0.5-5.0; лимонная кислота - 3.0-4.0; вода деионизированная до 100. Лекарственное средство в форме сиропа имеет следующий состав, мас. %: димефосфон - 3.0-5.0; карбонат лития - 1.0-1.2; лимонная кислота - 4.0-5.0; 64%-ный сахарный сироп - 89.0-92.0. Лекарственные средства имеют более физиологические значения рН, проявляемые в широком диапазоне концентраций, характеризуются устойчивостью растворов к разбавлению, имеют приятный вкус, что упрощает их применение в детской практике.

(13) В

(21) IAP 2009 0022

(22) 28.06.2007

(51) 8 A 61 K 39/39, A 61 K 39/39

(31)(32)(33) FI2006A000163, 29.06.2006, IT

(71) МЕНАРИНИ ИНТЕРНЭШЕНЛ ОПЕРЕЙ-ШНЗ ЛЮКСЕМБУРГ С.А., LU

(72) ФЛЕММИНГ, Дженс; ГРЁГЕР, Карстен; ШМИТЦ, Рейнхард; DE; МАНЗИНИ, Стефано, IT

(85) 23.01.2009

(86) PCT/EP 2007/056465, 28.06.2007

(87) WO 2008/000789, 03.01.2008

(54) **Таркибида моноклонал антиидиотипик анти-СА-125 антитана ва алюминий бўлган фармацевтик композиция**
Фармацевтическая композиция, содержащая моноклональные антиидиотипические анти-СА-125-антитела и алюминий

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** парентерал қўллаш учун вакцина сифатида фойдаланиладиган фармацевтик композициялар. **Вазифаси:** парентерал қўллаш учун фармацевтик формула. **Ихтиро моҳияти:** композиция таркибида MEN2234 моноклонал антиидиотипик антитаналар бўлиб, улар алюминий гидроксиди (аччиктош) ёки алюминий фосфатидан танлаб олинган ва сувли буфер тизимида суспензияланган алюминий бирикмасида адсорбцияланган.

Использование: фармацевтические композиции, используемые в качестве вакцин для парентерального применения. **Задача:** фармацевтическая формула для парентерального применения (предпочтительно подкожного или внутримышечного). **Сущность изобретения:** композиция содержит моноклональные антиидиотипические антитела MEN2234, адсорбированные на соединении алюминия, выбранном из гидроксида алюминия (квасцов) или фосфата алюминия, и суспендирована в водной буферной системе.

В бўлими

ТУРЛИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР

Раздел В

РАЗЛИЧНЫЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ

В 01

(13) В

(21) IAP 2009 0001

(22) 04.01.2009

(51) 8 B 01 D 24/00, B 01 D 24/48, B 01 D 39/00

(71) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти, UZ

Институт химии и физики полимеров Академии наук Республики Узбекистан, UZ

(72) Рашидова Сайёра Шарафовна, Набиев Донёёр Самиджанович, Тихоновецкая Анна Демьяновна, Атаханов Абдумутолиб Абдупатто ўғли, Карабаева Барно Собировна, UZ

(54) **Фильтрловчи материал**
Фильтрующий материал

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** кимё саноати. **Вазифаси:** заррачалари ўлчамларига кўра оптимал тақсимланган, тозаланган туз эритмасининг ёруғлик ўтказиш кўрсаткичини ва фильтрловчи материалнинг битта юкловидан фойдаланиш вақтини қисқартириш имконини берадиган микрокристаллик пахта целлюлозаси асосидаги фильтрловчи материалнинг қўлланиши. **Ихтиро моҳияти:** микрокристаллик пахта целлюлозаси асосидаги фильтрловчи материал заррачаларининг ўлчамлари узунлиги бўйича куйидагича тақсимланади: 50 мкм дан кам - 4-7%; 50 дан 100 мкм гача - 9-13 %; 100 дан 150 мкм гача - 10-14%; 150 дан 200 мкм гача - 8,5-11,5%; 200 дан 250 мкм гача - 11-15%; 250 дан 300 мкм гача - 9-13%; 300 мкм дан юқори - 34-38%.

Использование: химической промышленности. **Задача:** применение фильтрующего материала на основе хлопковой микрокристаллической целлюлозы с оптимальным распределением по размерам частиц, позволяющего увеличить показатель светопропускания очищенного рассола и времени использования одной загрузки фильтрующего материала. **Сущность изобретения:** фильтрующий материал на основе хлопковой микрокристаллической целлюлозы имеет распределение размеров частиц по длине меньше 50 мкм - 4-7%; от 50 до 100 мкм - 9-13 %; от 100 до 150 мкм - 10-14%; от 150 до 200 мкм - 8,5-11,5%; от 200 до 250 мкм - 11-15%; от 250 до 300 мкм - 9-13%; свыше 300 мкм - 34-38%.

В 11

(13) В

(21) IAP 2009 0176

(22) 11.06.2009

(51) 8 В 11 В 1/00

(71) Вухоро озиқ-овқат ва янгил саноат технология институти, UZ

Бухарский технологический институт пищевой и легкой промышленности, UZ

(72) Сафаров Адил Файзуллаевич, Гафуров Карим Хакимович, Артиков Аскар Артикович, Базарбаева Дилбар Шукуровна, Хикматов Дониёр Нёматович, Холиков Алижон Абдураупович, UZ

(54) **Мева данагидан ёғ олиш усули**
Способ извлечения масла из плодовых косточек

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** озиқ-овқат (ёғ-мой) ва фармацевтика саноати. **Вазифаси:** мақсадли маҳсулот чиқишини ошириш ва сифатини яхшилаш ҳамда энергетик ҳаражатларни камайтириш мақсадида мева данагидан ёғ олиш усулини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** мева данагидан, хусусан ўрик, шафтоли, олхўри данакларидан ишлаб чиқилган ёғ олиш усули ёғ олиш материалига тўлқиннинг максимал узунлиги 1,1 мкм бўлган инфрақизил нурлантиргичлар билан нур оқимининг зичлиги 9,2-10 кВт/м² да 440-460 с давомида узук-узук нурлантириш режимида иссиқлик билан ишлов беришни: биринчи нурлантириш вақти 40÷50 с; ушлаб туриш вақти 180 с; иккинчи нурлантириш вақти 20÷25 с; яна 180 с давомида ушлаб турилади; охириги нурлантириш вақти 20÷25 с, шунингдек кейин иссиқлик насосидан фойдаланиб, экстракциялаш ва дисцилляциялашни кўзда тутади, бунда тизимда босим 0,03 Мпа гача, эритгич ва месцелла температуралари 55-60°С оралиғида ушлаб турилади.

Использование: пищевая (масложировая) и фармацевтическая промышленности. **Задача:** разработка способа извлечения масла из плодовых косточек с целью повышения выхода и улучшения качества целевого продукта и снижения энергетических затрат. **Сущность изобретения:** разработанный способ извлечения масла из плодовых косточек, в частности косточек абрикоса, персика, сливы, предусматривает тепловую обработку маслянистого материала инфракрасными излучателями с максимальной длиной волны 1,1 мкм при плотности лучистого потока 9,2-10 кВт/м² в течение 440-460 с при прерывистом режиме облучения: время первого облучения 40÷50 с; время выдержки 180 с; время второго облучения 20÷25 с; снова выдержка в течение 180 с; последнее облучение в течение 20÷25 с, а также последующую экстракцию и дистилляцию с применением теплового насоса, при этом в системе поддерживается давление в пределах 0,03 МПа, температуры растворителя и мисцеллы - в пределах 55-60°С.

В 42**(13) В****(21)** IAP 2009 0009**(22) 06.07.2007****(51)** 8 В 42 D 15/10, В 42 D 15/00**(31)(32)(33)** 06117451.2, 19.07.2006, EP**(71)** СИКПА ХОЛДИНГ С.А., СН**(72)** ДЕСПЛАН, Клод-Ален; ШМИД, Матье; ДЕГОТТ, Пьер; МЮЛЛЕР, Эдгар, СН; СТИ-ШЕЛЬБЕРГЕР, Альбер, АТ**(85)** 13.01.2009**(86)** PCT/EP 2007/056863, 06.07.2007**(87)** WO 2008/009569, 24.01.2008**(54)** Шаффоф тагликда акс эттиришга йўналтирилган устки қатлам**Ориентированное отображающее покрытие на прозрачной подложке**

(57) Фойдаланиш соҳаси: қимматли ва идентификацион ҳужжатлар учун ҳимояловчи элемент. **Вазифаси:** “ташқаридан келган” киши томонидан оддий кўз билан аниқлаб олиш имконияти бўлган предмет, масалан банкнотанинг аслийлигини осон тасдиқлаш имконини берадиган ҳимояловчи элементни таъминлаш. **Ихтиро моҳияти:** ҳимояловчи элемент шаффоф таглик ва кўрсатиб ўтилган тагликда акс эттиришга йўналтирилган магнит устки қатламдан иборат бўлиб, ушбу кўрсатиб ўтилган устки қатлам шундай бажарилганки, агар уни ўнг ёки тескари томондан кузатиладиган бўлса, мос равишда мусбат ёки негатив рельефда туртиб чиқиб, уч ўлчамли эффект намоён этилади. Ҳимояловчи элемент ҳужжатни оддий ўгириб туриб, ҳар икки томондан қараганда, кўриш бурчагига боғлиқ бўлган тасвири кузатиш орқали осонгина аниқланади. Ҳимояловчи элементни ушбу ҳужжатни сканлаш ёки нусха кўчириш билан тиклаб бўлмайди.

Использование: защитный элемент для ценных и идентификационных документов. **Задача:** обеспечение защитного элемента, позволяющего легко удостовериться подлинность предмета, такого как банкнота, который может быть распознан «человеком с улицы» невооруженным глазом. **Сущность изобретения:** защитный элемент включает прозрачную подложку и магнитное отображающее покрытие на указанной подложке, в котором указанное отображающее покрытие выполнено таким образом, что демонстрирует 3-мерный эффект, выступая соответственно на положительном или негативном рельефе, если наблюдается с лицевой или оборотной стороны. Защитный элемент можно легко обнаружить невооруженным глазом простым оборотом доку-

мента и наблюдения изображения, зависящего от угла зрения с обеих сторон. Защитный элемент не может быть воспроизведен сканированием или копированием данного документа.

В 65**(13) В****(21)** IAP 2009 0026**(22) 02.07.2007****(51)** 8 В 65 D 83/62, В 65 D 83/64**(31)(32)(33)** PA 200600881, 30.06.2006;

PA 200600884, 30.06.2006, DK

(71) КАРЛСБЕРГ БРЮИРИЗ А/С, ДК**(72)** ВЕСБОРГ, Стеэн; РАСМУССЕН, Ян Нёрагер, ДК**(85)** 29.01.2009**(86)** PCT/DK 2007/000327, 02.07.2007**(87)** WO 2008/000272, 03.01.2008**(54)** Босим ҳосил қилишнинг кимёвий усули
Химический способ создания давления

(57) Фойдаланиш соҳаси: кимёвий усул билан босим ҳосил қилиш тизими, тизимда кимёвий босим ҳосил қилиш усули. **Вазифаси:** босим ҳосил қилувчи ташқи воситаларни қўлламай туриб, контейнерда мавжуд бўлган босим камерасида барқарор босим ҳосил қилишга қодир бўлган тизимни таклиф этиш. **Ихтиро моҳияти:** кимёвий усулда босим ҳосил қилиш учун тизим контейнер ва камида иккита реагентдан иборат, бунда кўрсатиб ўтилган камида иккита реагент реакция пайтида кўрсатиб ўтилган контейнерга таъсир этадиган босим ҳосил қилади. Қўшимча равишда босим камерасига эга бўлиши мумкин, бунда босим камерасидаги босим тенг вазнли реакция томонидан ҳосил қилиниб, унда вазнининг бир томонида газ ҳосил бўладики, бу аввалдан белгиланган тенг вазнли барқарор босимни қўллаб туради.

Использование: система для создания давления химическим способом, способ химического создания давления в системе. **Задача:** предложить систему, способную создавать стабильное давление в имеющейся в контейнере камере давления без применения внешних средств, создающих давление. **Сущность изобретения:** система для создания давления химическим способом включает контейнер и по меньшей мере два реагента, причем указанные по меньшей мере два реагента при реакции создают давление, воздействующее на указанный контейнер. Может дополнительно содержать камеру давления, при этом давление в камере давления создается равновесной реак-

цией, в которой по одну сторону равновесия образуется газ, что поддерживает стабильное предельно определенное равновесное давление.

С бўлими КИМЁ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ

Раздел С ХИМИЯ И МЕТАЛЛУРГИЯ

С 03

(13) В

(21) IAP 2009 0015

(22) 15.01.2009

(51) 8 С 03 С 1/04

(71) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси С.А.Азимов номли "Физика-Қуёш" илмий-ислаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти, UZ

Институт материаловедения Научно-производственного объединения "Физика-Солнце" им. С.А.Азимова Академии наук Республики Узбекистан, UZ

(72) Адылов Гайрат Тишабаевич, Файзиёв Шавкат Адылович, Меносманова Гульнара Сервединовна, Рискиев Тухтапулат Турсунович, Ирматова Шахло, UZ

(54) Пушти рангли керамик пигмент
Керамический пигмент розового цвета

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* қурилиш материаллари, шиша ва қулолчилик саноатида саноат ва фуқаролик қурилиши учун мўлжалланган силикат пигментни олишда *Вазифаси:* зарарли моддаларни пигментлар таркибидан чиқариб ташлаш, тус софлигини ошириш, саноат ишлаб чиқариши чиқиндилари ва маҳаллий минерал хом-ашёдан фойдаланиб, пушти рангли пигментни олиш технологиясини соддалаштириш. *Ихтиро моҳияти:* пигмент пушти рангда бўлиб, қуқун, увок, пластина ва плита қўринишида, шунингдек сирлар, елимлар, смолаларнинг тўлдиргичлари сифатида ёки декоратив материал сифатида мустақил қўлланиши мумкин. Пушти рангли керамик пигмент Al_2O_3 , CaO , B_2O_3 дан таркиб топган бўлиб, қўшимча равишда SiO_2 , Fe_2O_3 , TiO_2 , MgO , K_2O , Na_2O , MnO , CoO , WO_3 , MO_3 , SO_3 , SnO_2 , Sb_2O_3 , P_2O_5 ни ўз ичига олади, бунда компонентлар нисбати қуйидагича, мас. %: SiO_2 - 8,83-10,07; Al_2O_3 - 61,68-65,3; Fe_2O_3 - 1,59-1,66; CaO - 4,73-6,04; MgO - 0,105-0,12; K_2O - 0,06-0,08; Na_2O - 6,46-6,85; TiO_2 - 0-0,03; MnO - 3,4-5,52; B_2O_3 - 0-2,0; CoO - 1,955-2,07; P_2O_5 - 0,34-0,36; MoO_3 - 1,955-2,07; WO_3 - 0,765-0,81; SO_3 - 2,04-2,16; SnO_2 - 0,07-0,12; Sb_2O_3 - 0,25-0,41.

Использование: строительные материалы, в стекольной и керамической промышленности при получении силикатного пигмента, предназначенного для промышленного и гражданского строительства. *Задача:* исключение из составов пигментов вредных веществ, повышение чистоты тона, упрощение технологии получения розового пигмента и снижение его себестоимости за счет использования отходов промышленного производства и местного минерального сырья. *Сущность изобретения:* пигмент имеет розовый цвет и может применяться в виде порошка, крошки, пластин и плит, а также в качестве наполнителя глазури, клеев, смол или самостоятельно как декоративный материал. Керамический пигмент розового цвета включает Al_2O_3 , CaO , B_2O_3 , дополнительно содержит SiO_2 , Fe_2O_3 , TiO_2 , MgO , K_2O , Na_2O , MnO , CoO , WO_3 , MO_3 , SO_3 , SnO_2 , Sb_2O_3 , P_2O_5 при следующем соотношении компонентов, мас. %: SiO_2 - 8,83-10,07; Al_2O_3 - 61,68-65,3; Fe_2O_3 - 1,59-1,66; CaO - 4,73-6,04; MgO - 0,105-0,12; K_2O - 0,06-0,08; Na_2O - 6,46-6,85; TiO_2 - 0-0,03; MnO - 3,4-5,52; B_2O_3 - 0-2,0; CoO - 1,955-2,07; P_2O_5 - 0,34-0,36; MoO_3 - 1,955-2,07; WO_3 - 0,765-0,81; SO_3 - 2,04-2,16; SnO_2 - 0,07-0,12; Sb_2O_3 - 0,25-0,41.

(13) В

(21) IAP 2009 0027

(22) 29.01.2009

(51) 8 С 03 С 10/04

(71) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси С.А.Азимов номли "Физика-Қуёш" илмий-ислаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти, UZ

Институт материаловедения Научно-производственного объединения "Физика-Солнце" имени С.А.Азимова Академии наук Республики Узбекистан, UZ

(72) Нодирматов Эркин Закирматович, Файзиёв Шавкат Адилевич, Исматов Абдулла Ахмедович, Пайзуллаханов Мухаммад-Султанхан Саидвалиханович, Акбаров Расулжон Юлдашевич, UZ

(54) Шиша-кристалл материални олиш учун шиша

Стекло для получения стеклокристаллического материала

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* кимё саноати, радиотехника, авиация ва атом техникасида ва бошқа ерларда қўлланадиган янги шиша-кристалл материални олиш учун шиша. *Вазифаси:* материалнинг ейилишга бардошлилигини ошириш ҳисобига усқуналар деталларининг иш қобилиятини оширишни таъминлайдиган шиша-кристалл материал учун янги шишани яратиш. *Ихтиро мо-*

ҳияти: янги шиша-кристалл материални олиш учун шиша SiO₂, Al₂O₃, MgO, CaO, TiO₂, K₂O, Fe₂O₃/FeO, MnO дан таркиб топган ва қўшимча равишда Cr₂O₃ ни ўз ичига олади, бунда компонентлар нисбати куйидагича, мас. %: SiO₂ - 39,79-39,88; Al₂O₃ - 7,08-7,52; MgO - 2,25-4,24; CaO - 24,52-28,12; TiO₂ - 0,20-0,23; K₂O - 0,49-0,50; Fe₂O₃ /FeO - 16,36-22,55; MnO - 0,48-0,68; Cr₂O₃ - 0,01-2,31.

Использование: химическая промышленность, стекло для получения нового стеклокристаллического материала с использованием в радиотехнике, авиационной и атомной технике и др. **Задача:** создание нового стекла для стеклокристаллического материала, обеспечивающего повышение работоспособности деталей оборудования за счет повышения износостойкости материала. **Сущность изобретения:** стекло для получения нового стеклокристаллического материала включает SiO₂, Al₂O₃, MgO, CaO, TiO₂, K₂O, Fe₂O₃/FeO, MnO и дополнительно содержит Cr₂O₃ при следующем соотношении компонентов, мас. %: SiO₂ - 39,79-39,88; Al₂O₃ - 7,08-7,52; MgO - 2,25-4,24; CaO - 24,52-28,12; TiO₂ - 0,20-0,23; K₂O - 0,49-0,50; Fe₂O₃ /FeO - 16,36-22,55; MnO - 0,48-0,68; Cr₂O₃ - 0,01-2,31.

C 07

(13) В

(21) IAP 2009 0006

(22) 07.06.2007

(51) 8 C 07 D 209/00, 8 A 61 K 31/404

(31)(32)(33) 60/804,517, 12.06.2006; 60/883,224, 03.01.2007, US

(71) Новартис АГ, СН

(72) АКЕМОГЛУ, Мурат, СН; БАЖВА, Джогиндер, С.; КАРПИНСКИ, Петр; ПАПОУЦАКИС, Димитрис; СЛЕЙД, Джоэл, US; ШТОВАССЕР, Франк, DE

(85) 09.01.2009

(86) PCT/US 2007/070561, 07.06.2007

(87) WO 2007/146716, 21.12.2007

(54) **N-гидрокси-3-[4-[[[2-(2-метил-1H-индол-3-ил)этил]амино]метил]фенил]-2E-2-пропенамиднинг полиморф шакллари**
Полиморфные формы N-гидрокси-3-[4-[[[2-(2-метил-1H-индол-3-ил)этил]амино]метил]фенил]-2E-2-пропенамида

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, фармацевтика. **Вазифаси:** янада фаол, барқарор ва ишлаб чиқарилиши арзон янги дори воситасини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** турли методикалар

асосида олинган N-гидрокси-3-[4-[[[2-(2-метил-1H-индол-3-ил)этил]амино]метил]фенил]-2E-2-пропенамид эркин асоси ва унинг тузларининг полиморф шакллари тавсифланган. Ушбу бирикманинг турли кристаллик модификацияларига усулни амалга оширишнинг махсус танлаб олинган шарт-шароитларидан фойдаланган ҳолда эга бўлиш мумкин.

Использование: медицина, фармацевтика. **Задача:** разработка нового лекарственного средства, более активного, стабильного и дешевого в производстве. **Сущность изобретения:** описаны полиморфные формы свободного основания N-гидрокси-3-[4-[[[2-(2-метил-1H-индол-3-ил)этил]амино]метил]фенил]-2E-2-пропенамида и его солей, полученные по разным методикам. Разные кристаллические модификации указанного соединения можно получить с использованием специально подобранных условий осуществления способа.

(13) В

(21) IAP 2009 0005

(22) 07.06.2007

(51) 8 C 07 D 209/14, A 61 K 31/4045, A 61 P 35/00

(31)(32)(33) 60/804,523, 12.06.2006; 60/869,993, 14.12.2006, US

(71) Новартис АГ, СН

(72) АКЕМОГЛУ, Мурат, СН; БАЖВА, Джогиндер, С.; КАРПИНСКИ, Петр; ПАПОУЦАКИС, Димитрис; СЛЕЙД, Джоэл, US; ШТОВАССЕР, Франк, DE

(85) 09.01.2009

(86) PCT/US 2007/070558, 07.06.2007

(87) WO 2007/146715, 21.12.2007

(54) **N-Гидрокси-3-[4-[[[2-(2-метил-1H-индол-3-ил)этил]амино]метил]фенил]-2E-2-пропенамид тузлари**

Соли N-гидрокси-3-[4-[[[2-(2-метил-1H-индол-3-ил)этил]амино]метил]фенил]-2E-2-пропенамида

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, фармацевтика. **Вазифаси:** янада фаол, барқарор ва ишлаб чиқарилиши арзон янги дори воситасини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** N-гидрокси-3-[4-[[[2-(2-метил-1H-индол-3-ил)этил]амино]метил]фенил]-2E-2-пропенамид тузлари олинди ва тавсифланди. Ушбу бирикманинг турли кристаллик модификацияларига усулни амалга оширишнинг махсус танлаб олинган шарт-шароитларидан фойдаланган ҳолда эга бўлиш мумкин.

Использование: медицина, фармацевтика. **Задача:** разработка нового лекарственного средства, более активного, стабильного и дешевого в производстве. **Сущность изобретения:** получены и охарактеризованы соли N-гидрокси-3-[4-[[[2-(2-метил-1H-индол-3-ил) этил]амино]метил]фенил]-2E-2-пропенамида. Разные кристаллические модификации указанного соединения можно получить с использованием специально подобранных условий осуществления способа.

(13) В

(21) IAP 2009 0012

(22) 16.07.2007

(51) 8 C 07 D 213/42, C 07 D 239/26, C 07 D 277/56, C 07 D 333/38, C 07 D 401/12, C 07 D 417/12, C 07 C 311/01, A 61 K 31/4155, A 61 P 27/06

(31)(32)(33) 60/833,907, 28.07.2006;
60/941,923, 04.06.2007, US

(71) ПФАЙЗЕР ПРОДАКТС ИНК., US

(72) ПРАСАННА, Ганеш; БОСУОРТ, Чарльз Флойд; ЛА ФОНТЕЙН, Дженнифер Энни, US

(85) 15.01.2009


(86) PCT/IB 2007/002044, 16.07.2007

(87) WO 2008/015517, 07.02.2008


(54) EP2 агонистлари

Агонисты EP2

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** фармацевтика. **Вазифаси:** кўз шох пардасига яхшироқ кириб боришини ва дори воситасининг кўз олд камерасига кислотага нисбатан яхшироқ таъсир кўрсатишини таъминлайдиган, шу туфайли камроқ дозада қўлланиши мумкин бўлган EP2 дори агонисти сифатида қўллаш мумкин бўлган янги бирикмани яратиш. **Ихтиро моҳияти:** (I) формула бирикмаси, шунингдек таркибида ушбу бирикма бўлган фармацевтик композиция ва шундай композицияни киритиш йўли билан сут эмизувчида ички кўз босимини пасайтириш усули таклиф этилди.



Использование: фармацевтика. **Задача:** создание нового соединения, которое можно использовать в качестве пролекарства агониста EP2, обеспечивающего лучшее проникновение в роговицу и улучшенное воздействие лекарственного средства в передней камере глаза по сравнению с кислотой, что позволяет вводить его в меньшей дозе. **Сущность изобретения:** предложено соединение формулы (I), а также фармацевтическая композиция, содержащая это соединение, и способ снижения внутриглазного давления у млекопитающего путем введения такой композиции.



C 10

(13) В

